*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
**4 июнь**
ЧОРШАНБА
**№ 45** (12681)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Пилла – 2014

## ҲОСИЛ БАРАКАЛИ БЎЛМОҚДА

**Бўқаликлар бу йил ҳам пилла етиштирувчилар орасида пешқадам. Туман бўйича 3500 қути уруғ жонлантирилиб, 2918 хонадонга тарқатилган эди. Бугунги кунгача туман пилла хирмонига 60 тоннадан ортиқ ҳосил тўкилди.**

Бу хирмонга муносиб улуш қўшаётган "Мустақил Ўзбекистон" фермерлар уюшмасига қарашли "Шерали Қиличев" фермер хўжалиги аъзоси, илғор пиллакор Севара Фармонова биринчилардан бўлиб илк ҳосилни – 2 қутидан 120 килограмм пиллани 1-навга топширган эди. Ўғил-қизи, келини кўмагидаги меҳнатлари бугун ўз натижасини бермоқда. Энг илғор пиллакорлар қаторини тўлдираётган "Равот", "Мустақил Ўзбекистон", "Фахриддин Абдурашидзода" фермер хўжаликларида иш айни қизғин паллага кирган. Туман "Пилла" масъулияти чекланган жамияти илғор пиллакорлар меҳнатини муносиб рағбатлантириб, эсдалик совғаларини топширмоқда.

**Саида ИКРОМОВА.**
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**



## БОЛАЖОНЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

**"... Ота-онам бўлишини, байрамларда улардан совғалар олишни орзу қилардим. Аммо.... Бугун менга велосипед совға қилишди. Бундан жуда ҳам хурсандман. Мен ҳам яхши ўқиб, келажакда болаларга совғалар тарқатаман..."**

*(Давоми 2-бетда).*



Яна тўловлар ҳақида

## ҚАРЗНИ УЗИШ ВАҚТИ ЕТМАДИМИ?!

**Барчамиз давлатимиз яратиб бераётган қулайликлардан, айниқса, табиий газдан унумли фойдаланишни хоҳлаймиз. Экологик тоза шароитда, беминнат дастёр – табиий газни ёқиб, иссиққина уйда яшагимиз келади. Лекин қўшниси ноқонуний тарзда қандайдир асбобни улаб, унинг хонадонига келиб турган газ босими пасайишига ёки умуман ўчиб қолишига йўл қўйса-чи?**

"Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси ходимларининг маълумотига кўра, Оққўрғон туманида газ тармоғидан ноқонуний тарзда фойдаланишни одат қилганлар бор экан. "Маданият" фермерлар уюшмасида яшовчи А. Йўлдошев шундайлардан бири. Энди у қилмиши учун 1 миллион 500 минг сўм тўлашига тўғри келади. Олимкентлик Григорий Ким ҳам устомонлардан чиқиб қолди. Бели оғримай, пул ишлатмай, газдан ноқонуний фойдаланмоқчи бўлди. Лекин рейдлар давомида унинг бу хурмача қилиғига чек қўйилди. У 1 миллион сўмни қуртдек санаб, тўлаши керак. Одил Турманов эса, газдан фойдаланиш қоидалари ва абонент мажбуриятларини унутиб қўйган шекилли. Энди у ҳам газдан ноқонуний фойдалангани учун накд 2 миллион 600 минг сўм тўлайдиган бўлди. Бу истеъмолчиларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилиб, туман ички ишлар бўлимига жўнатилди.

Аслида уйимизни иситиб, ош-овқатимизни беминнат пишириб бераётган табиий газнинг борлигига шукроналар айтишимиз керак. Лекин, табиий газ ҳақини тўлашга келганда: "Қарзим шунча кўпми", дея оғринамиз. Шуни айтсалар керакда: "Оларда кирар жоним..." Мақолнинг давомини биласиз-а? Олганда "жонни роҳатия" дея айланган тилимиз, пулини тўлашга келганда ғудранмасинда! Ахир, ҳар бир ишда ўлчов бор, мезон бор.

– Табиий газ – халқ мулки, – деди "Тошкентгазтаъминот" корхонаси ходими Ш. Умаров. – Бу мулкни ер остидан қазиб олиш, қайта ишлаш, истеъмолчиларга етказиб бериш учун давлатимиз хазинасидан миллиардлаб сўм маблағ ажратилаяпти. Бунинг учун минглаб мутахассислар, олимлар, ишчи-хизматчилар жалб қилинган. Шунча машаққатлар эвазига етказиб берилаётган табиий газ исрофгарчилигига йўл қўйилиб, аллақандай тортиш ускуналаридан фойдаланиб, ўғирлаш – умумхалқ мулкига хиёнат эмасми? Назаримизда бундай салбий ҳолатга, газ тармоғига ноқонуний уланиш, сўриб тортувчи ускуналардан фойдаланишга узил-кесил чек қўйиш пайти етди.

Шу сингари табиий газдан қарзини тўлашдан бўйин товлаб юрганлар туманда талайгина...

Дониёр Соипов, Д. Усмонова каби фуқаролар қарзларини, ниҳоят, 1 миллиондан "ошириб қўйишди". Муҳиддин Турдибоев ҳам беғамгина кўринади. У 458 минг сўмлик газни ишлатиб қўйиб, тўловни амалга оширишни ўйламаяпти. Баҳром Назаров эса 2 миллион 400 минг сўм қарзини қачон тўлаши номаълум.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

**Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 2013 йил октябрда ўтказилган кўрик-танловда Зангиота туманидаги Зоирхон Жалилов номли маҳалла фуқаролар йиғини 14 миллион сўмлик грант соҳиби бўлди.**

## СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўтган тўққиз ой мобайнида маҳаллада бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 30 нафар ёшлар 170 соатлик семинар-тренингда иштирок этишди. Улардан 11 нафари хусусий корхона очиш учун сертификат соҳиби бўлишди.

**Наргис МАМАТҚУЛОВА.**

**СУРАТДА:** семинар-тренингни муваффақиятли якунлаганларга сертификатлар топшириш пайти.

**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**







**Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга йўналтирилганини бозорларимиздаги барака, оилалардаги тўкинлик мисолида яққол кўриш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январда қабул қилинган "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш, оилалар фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.**

## САРХИЛ МАҲСУЛОТЛАР – ФАРОВОНЛИК БЕЛГИСИ

Ушбу қарорда етиштирилган маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, мева-сабзавотни улгуржи харид қилиш, сақлаш ва аҳолига узлуксиз етказиб бериш, ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш бўйича қатор вазифалар белгиланган. Уларнинг ижроси юзасидан "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур уюшманинг асосий фаолияти мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчилар ва савдо тармоқлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат. Шу билан бирга, чекка ҳудудлардаги аҳолига кундалик зарур товарларни қулай шароит ва нисбатан арзон нархларда етказиб беришда ҳам уюшма муносиб ҳисса қўшмоқда.

– 2013 йилда макарон, қандолат ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида элликка яқин замонавий кичик цех ташкил этилди, – дейди "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси раиси ўринбосари Равшан Ҳамидбеков. – Уларда 10 миллиард сўмликдан зиёд нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 3,1 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. 5,4 миллиард сўмлик полипропилен қоп, пакетлар ва атир совун истеъмолчиларга етказиб берилди.

Андижон, Фарғона вилоятларида сутни қайта ишлаш, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ун, дуккакли дон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, Самарқанд вилоятида ўсимлик ёғини қадоқлаш цехи ишга туширилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик хўжаликлари ташкил этилиб, 122 гектар интенсив боғ яратилди. Бундан ташқари, 800 гектар ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилмоқда. Қашқадарё вилояти Косон туманида 100 гектар майдонда тажриба тариқасида тезпишар қовун парваришланмоқда. 300 гектар ерга шоли экиш режалаштирилган.

Мева-сабзавот ва бошқа экинлар мавсумий бўлганлиги боис сархил маҳсулотларни жамғариш, уларни тўғри ва сифатли сақлаш ҳам уюшма тизимидаги корхоналарнинг доимий эътиборида. Тайёрлов-сақлов омборлари мавсумга талаб даражасида шай қилинса, аҳолини келгуси йилга қадар сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имкони яратилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги "2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ мавжуд омборларни реконструкция қилиш ва замонавий совитиш ускуналари ўрнатиш ҳисобига аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Мева ва сабзавот маҳсулотларини сақлашни янада кўпайтириш мақсадида 23 минг тонна сиғимга эга янги омборхоналар қурилиб, қарийб 15 минг тонналик совутгичлар модернизация қилингани бунинг ёрқин далилидир. Натижада захирага қўйиладиган маҳсулотларни сақлашга ихтисослашган сиғимлар ҳажми 116 минг тоннага, совутгичли сиғимлар 62 минг тоннага етказилди.

*(Давоми 2-бетда).*

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

## ПИСКЕНТДАГИ «АНТИҚА ИХТИРО»

**Маълумотларда қайд этилишича, сайёрамизнинг асосий қисмини эгаллаган сувнинг атиги 2,5 фоизигина ичишга яроқли. Тоза ичимлик суви муаммоси дунё ҳамжамиятини ташвишлантираётган ҳозирги вазиятда мамлакатимизда бу борада қатор салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. МДҲ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб республикамизда "Сув ва сувдан тўғри фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши фикримиз исботидир. Қолаверса, халқимиз азалдан сувдан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланиб келган. Шундан бўлса керак, ота-боболаримизнинг: "Сувга қараб супурма", "Сувга ахлат ташлама", "Бир кўза чучук сув, шўр денгиздан афзалроқ" каби ҳикматли сўзлари бизга ўгит бўлиб қолган.**

Азалий қадриятларимиз ва давлатимизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари натижасида мамлакатимизда тоза ичимлик суви муаммоси учрамайди. Аммо, бу сув кўп экан, ундан хоҳлаганингча фойдалан, исроф қил дегани эмас, албатта.

Яқинда хизмат сафари билан Пискент туманида бўлганимизда "антиқа ихтиро"га дуч келдик. Мустақиллик марказий кўчасида водопровод синиб қолган шекилли, қувурга "ўхшатиб" баклашка ўрнатишибди. "Тежамкор" бу янги "ихтиро"дан сув тўхтовсиз оқиб турибди. Ноёб қурилмага жўмрак ўрнатишнинг имкони йўқлигини пайқаб, увол бўлаётган тоза ичимлик сувининг ҳисобига қизиқдик. Бир литр сув олиш учун беш сония кифоя қилди. Демак, бир дақиқада 12, бир соатда 720, бир кунда 17 минг 280 литр сув исроф бўлаяпти. Агар ҳафта ёки ойлар мисолида ҳисобласак, рақамлар анча йириклашади.

Биз исроф бўлаётган сувнинг миқдорини рақамларда акс эттирдик, холос. Хўш, унинг уволичи?! Бунинг ҳисобини ким беради?

Бутун дунё аҳолисининг 40 фоизи тоза ичимлик суви етишмаслигидан азият чекаётган, ҳар йили 1 миллион 200 минг киши турли хасталикларга чалинаётган, 5 миллион аҳоли эса ифлос сув истеъмол қилишга мажбур бўлаётган айни вазиятда бу неъматнинг ҳар томчисини асрашимиз керак эмасми? Туман мутасаддилари қўлларига калькулятор олиб, исроф бўлаётган сув ёки водопровод ўрнатишдан қай бири қимматга тушишини ҳисоблаб кўришса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.



**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Даврон АҲМЕДОВ (сурат),**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.**

# ШАНБА СУҲБАТЛАРИ САЛМОҒИ




**Чирчиқ шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ҳар ҳафта шанба кунлари маҳалла фаоллари, маслаҳатчилари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида давра суҳбатлари ўтказилмоқда.**

Мақсад – "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида маҳаллалар, оила, таълим-тарбия масканларида олиб борилаётган ишлар, галдаги вазифалар ҳақида мулоқот юритиш. Ўз иши, вазифасига содиқ маслаҳатчиларнинг орзу-ўйлари, саъй-ҳаракатлари ҳам муштарак. Аввало, маҳаллаларда соғлом маънавий муҳит, оилалардаги тинчлик-хотиржамлик, ёшлар, айниқса қизлар тарбиясига жиддий эътибор қаратиш, бандлигини таъминлаш, эрта никоҳнинг олдини олиш. Бу борада шаҳардаги "Маданият" (Улуғой Мараҳимова), "Адолат" (Барно Умарова), "Лола" (Зулфия Холметова) маҳалла маслаҳатчилари, Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Маъмура Ҳожиеванинг фикр-мулоҳазалари барчага маъқул бўлди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

Кўрик-танлов

**Табиатан меҳр-оқибатли, камтар-камсуқум, самимий халқимиз ҳамиша бир-бири билан кенгашиб, маслаҳатлашиб, кези келганда бир бурда нонини ҳам бўлишиб ейишга одатланган. Шунинг учун ҳам эл-юрт, маҳалла-кўй, жамоат каби тушунчаларсиз ҳаётимизни тасаввур этиш қийин.**

# ЭНГ НАМУНАЛИ МАСЛАҲАТЧИ

Истиқлол мана шу эзгу қадриятларимизнинг қайта тикланишига имкон берди. Фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини "Маҳалла" институти шу маънода ўзини ўзи бошқаришнинг энг мақбул кўриниши сифатида ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Мамлакатимиз раҳбари "Соғлом бола йили" Давлат дастури ҳақида сўзлар экан, маҳаллалар фаолиятини янада такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни ва таъсирини кучайтириш кераклиги, соғлом бола тарбиясида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг маҳалла ҳамда оилалардаги тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, ҳушёрлик ва огоҳлик муҳитини мустаҳкамлашдаги масъулиятини алоҳида таъкидлаган эди.

10 йилдирки, маҳалла маслаҳатчилари мана шу эзгу мақсад йўлида астойдил фаолият юритиб келмоқда. Вилоятимизнинг 951 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг оилалар мустаҳкамлиги, ёшлар тарбияси, соғлом маънавий муҳитни шакллантириш бўйича амалга ошираётган ишларини ўрганиш, муносибларини рағбатлантиришда "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танлови муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вилоят маданият ва маърифат марказида бўлиб ўтган танловда унинг шаҳар, туман босқичлари ғолиблари, 18 нафар маслаҳатчи иштирок этди. Улар танловнинг учта шарти – иш фаолиятларига доир ҳужжатлар, слайдлар орқали 5 дақиқалик тақдимот намойиши ва маслаҳатчининг ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий савиясини аниқлаб берувчи махсус саволларга жавоблар бўйича беллашишди.

Қатнашчиларнинг ҳар бири ўз маҳалласининг ҳақиқий жонкуяри экани эътиборимизни тортди. Миллий руҳ, замонавий кўринишдаги либослар, самимий, ёруғ чеҳралар, теран нигоҳлар одамлар қалбига йўл топишнинг энг зарур омиллари. Қатнашчилар орасида бундай фазилат эгалари кўп эди. Ангрен, Оҳангарон, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарлари, Зангиота, Пискент, Қибрай, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ туманларидан келган маслаҳатчиларни шулар сирасига киритиш мумкин.

Аслида, қўйилган шартлар бежизга эмас. Бошқаларга одоб-ахлоқ, маънавият-маърифат, ҳушёрлик-огоҳликдан сабоқ берувчи, шахсий ибрат бўла олувчиларни маслаҳатчи деймизда! Ёшлар, айниқса қизлар тарбияси, бандлиги – долзарб масала. Бунда маслаҳатчиларнинг ўрни алоҳида эканлиги фойеда кўргазмага қўйилган турли кийим-кечак, тўй либослари, уй-рўзғор буюмларию жиҳозлардан ҳам маълум.

Бу жиҳатларнинг барчаси эътиборга олинган ҳолда танлов якунлари эълон қилинди. Зийрак томошабинлар иштирокчиларнинг чиқишларини, уларга қўйилаётган баҳоларни кузатиб, ҳатто олдиндан ўзларича ўринларни аниқлаб ҳам қўйишди. Қувонарлиси, вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, унинг вилоят бўлими ва бошқа жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати хулосалари томошабинларники билан деярли мос келди:

Пискент тумани, Ойбек номли маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Ҳуринисо Аҳмедовага биринчи ўрин, Қибрай тумани, Мирзо Улуғбек номли маҳалла маслаҳатчиси Малика Жалиловага иккинчи ўрин, Ангрен шаҳри, "Навбаҳор" маҳалла маслаҳатчиси Гулноза Исомиддиновага эса учинчи ўрин берилди. Ўз чиқишлари билан томошабинларнинг алоҳида олқишига, меҳрига сазовор бўлган пискентлик Ҳуринисо Аҳмедова танловнинг республика босқичида вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қила олишига ишонч бор, албатта. Зеро, вилоятимизда таъбир жоиз бўлса, "Энг намунали маслаҳатчи"лар мактабининг мустаҳкам пойдевори бор.

Тадбир давомида бир қатор намунали маслаҳатчилар фахрий ёрлиқ билан тақдирландилар. Танлов ғолиблари, қатнашчиларига диплом, эсдалик совғалари топширилди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

«Баркамол авлод – 2014»

**Наманган шаҳрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг "Баркамол авлод – 2014" спорт мусобақалари ўз ниҳоясига етди. Мусобақада биринчи ўринни Тошкент шаҳри, иккинчи ўринни Наманган ҳамда учинчи ўринни Самарқанд вилояти жамоалари эгаллашди. Улар Президент совғаси – "Дамас" автомобиллари билан тақдирланишди. Шунингдек, мусобақаларда спортчи-ёшлар орасида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ спортчи-ўқувчилар махсус совринларга сазовор бўлишди.**

# ЮЗИМИЗ ЁРУҒ ҚАЙТДИК

Вилоятимиз спортчилари умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринни эгаллашди. Айниқса, стол тенниси, оғир атлетика ва бокс бўйича вакилларимизга тенг келадигани топилмади.

– Бизни катта эҳтиром билан кутиб олган Наманган аҳлига миннатдорчилигимизни изҳор этмоқчимиз. Бу гўша чин маънода кўркам ва обод масканга айланибди, – дейди Юқори Чирчиқ тумани транспорт ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси, стол тенниси бўйича вакилимиз Регина Ким. – Мусобақаларга кетаётганда катта ҳаяжонда эдик. Вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, юзимиз ёруғ бўлиб қайтдик.

"Баркамол авлод" спорт мажмуасида ўтказилган баҳсларда 200 метрга сузиш бўйича Чирчиқ Олимпия захиралари спорт коллежи ўқувчиси Артём Пухнатий энг яхши натижани қайд этиб, 2 та олтин медални қўлга киритди.

Бокс мусобақаларининг финали кўпчиликни ёдида қолди. Қизғин кечган мусобақалар якунига кўра, ўз вазн тоифаларида вакилларимиз Бекзодбек Турсунбоев (52 килограмм) ва Маҳмуд Ғоипов (69 килограмм) барча рақибларини мағлуб этиб, "Баркамол авлод – 2014" спорт ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлишди.

– Беллашувлар барча иштирокчиларнинг қалбида ёрқин таассуротлар билан муҳрланиб қолди, – дейди Маҳмуд Ғоипов. – Мамлакат миқёсидаги нуфузли спорт ўйинларидаги иштирокимиз бизни мақсадларимиз сари дадил қадамлар ташлашга ундайди. Ҳаётда ўз ўрнимизни топишимиз учун шижоат, куч-ғайрат беради.

Олий спорт маҳорати мактабида таэквондонинг WTF йўналиши бўйича ўтказилган баҳсларда вилоятимиз вакилларининг номи баралла жаранглади. Мусобақалар тўрт вазн тоифасида ўтказилди. Жумладан, вакиламиз Динарахон Мамадибрагимова 55 килограмм вазн тоифасида (қизлар ўртасида) олтин медалга сазовор бўлди.

"Баркамол авлод – 2014" спорт ўйинлари байроғи Жиззах вилояти вакилларига топширилди.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# БОЛАЖОНЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ



Бўка туманидаги 15-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси, 14 ёшли Жавоҳир Акбаровнинг қувончига ушбу муассасада Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан байрам тадбири ўтказилгани ва ташкилотчиларнинг совғалар улашишгани сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаага кўмаклашувчи " Ватанпарвар" ташкилоти Марказий ҳамда вилоят кенгашлари ташаббуси ва ҳомийлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Меҳрибонлик уйининг 135 нафар тарбияланувчиларига тўкин дастурхон ёзилиб, байрам совғалари тарқатилди.

– Оилада яшаш бахтидан маҳрум, эътиборга муҳтож болажонлар учун муассасамизда барча қулайлик ва шароитлар яратилган, – дейди Меҳрибонлик уйи директори Абдурасул Акмалов. – Уларнинг кўзларида мунг, изтироб ифодалари пайдо бўлмаслигида бугунги байрамнинг аҳамияти катта. Қолаверса, бу каби тадбирлар тарбияланувчиларимизнинг ўзига ва келажагига бўлган ишончини янада оширади.

Элимиз суйган санъаткорлар ва Меҳрибонлик уйи бадиий жамоасининг мусиқий чиқишлари байрам тадбирига кўтаринки руҳ бағишлади. Айниқса, қатнашчилар билан тарбияланувчилар иштирокидаги спорт ўйинлари болажонларнинг кайфиятини янада кўтарди.

**Аваз БЕКОВ.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).



5 июнь – Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

# ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИНИ ЎРГАНАМИЗ

**Шу кунларда республикамиз бўйлаб экология ҳафталиги ўтказилмоқда. У Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилаяпти. Ҳафталик эътибор марказида иқлим ўзгаришлари масалалари турибди.**

"Интерконтиненталь" меҳмонхонасида ўтказилган очилиш маросимида вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси ҳам фаол иштирок этди. Шунингдек, Паркент туманидаги "Замона Раъно" ва Юқори Чирчиқ туманидаги "Marwin Brands" корхоналари ўз стендлари билан қатнашишди.

– Фаолиятимизни бошлаганимизга олти йил бўлди, – деди "Marwin Brands" корхонаси вакили Ғайрат Йўлдошев. – Бугунги кунда 20 дан зиёд турдаги табиий шарбатлар ишлаб чиқараяпмиз.

– Етти йил ичида доривор ўсимликлар, "Саломатлик тўплами", "Табиат сирлари" фиточойлари, фитованна, гиёҳлар қўшилган қора ва кўк чойлар ишлаб чиқариш бўйича яхшигина тажриба тўплай олдик, – деди "Замона Раъно" корхонаси менежери Нилуфар Азимова. – Бизда нафақат доривор ўсимликларнинг барча биологик фаол моддаларини сақлаб қоладиган ускуналардан фойдаланилади, балки энг нозик гиёҳлар билан ишлашда қўл меҳнати қўлланилади. Маҳсулотларимизнинг экологик тозалиги, уларни етиштиришда заҳарли кимёвий моддалар ишлатилмагани, ўзида консервант, ранг ва таъм берувчи қўшимчалар сақламаслигидан фахрланамиз.

"Экоҳафталик" доирасида Зангиота тумани Хонобод қишлоғидаги "GM Powertain Uzbekistan" қўшма корхонасига медиа сафар уюштирилди. Тадбир доирасида иштирокчилар корхонадаги сув таъминоти технологиялари билан яқиндан танишишди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

# САРХИЛ МАҲСУЛОТЛАР – ФАРОВОНЛИК БЕЛГИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Мамлакатимизнинг барча ҳудудида махсус омборлар қурилиб, маҳсулотларни сақлаш технологияси такомиллаштирилаётгани сақланадиган мева-сабзавотлар тури ва ҳажми ошишида муҳим омил бўлмоқда, – дейди уюшма бўлим бошлиғи Шарофиддин Асомов. – Таъкидлаш жоизки, тизимдаги корхоналарнинг омборхоналари, совутиш ва музлатиш камералари замонавий технологиялар асосида тайёрланган сендвич-панелларидан қурилгани маҳсулотларни янги ҳосил пишиб етилгунча бемалол сақлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги қарорига мувофиқ, 2011-2013 йилларда янги қурилиш, реконструкция ва модернизация қилиш ҳисобига Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 38 минг 440 тонналик замонавий совутгичли камералар ишга туширилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Фарғона вилоятларидаги замонавий, жаҳон андозаларига мос совутгичли сиғимлар шулар жумласидандир. Мисол учун, 2011 йилда Тўрткўл туманидаги "Баракат-Тўрткўл" масъулияти чекланган жамиятида минг тонналик сиғимга эга замонавий совутгичли омбор ишга тушди. 2012 йилда маҳаллий анъаналар асосида табиий усулда қовун сақлаш йўлга қўйилди.

2014-2015 йил қиш-баҳор мавсумида бозорларда нархнавонинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида уюшманинг сақлов базаларида 70 минг тоннадан зиёд картошка, пиёз, сабзавот, мева, полиз ва дон маҳсулотлари захирасини яратиш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда ҳозир фермер ва деҳқон хўжаликлари билан шартномалар тузилмоқда.

Бугунги кунда уюшма тизимида тўрт минг икки юздан зиёд фирма дўкони, мини-маркет ва супермаркет фаолият кўрсатаётир. Ҳудудларда янги савдо корхоналари ташкил этилиб, уларда аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажми тобора ортмоқда. Мисол учун, ўтган йили Термиз шаҳрида, Денов ва Зомин туманларида йирик супермаркетлар ишга туширилди. Жорий йилда чакана савдо тармоғини янада ривожлантириш учун тоғли, бориш қийин ва олис қишлоқ жойларда юзга яқин фирма дўконини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Уюшма томонидан истеъмолчиларга озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлари қулай шароит ва арзон нархларда марказлаштирилган тарзда етказиб берилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чораги давомида 218 миллиард сўмлик савдо хизмати кўрсатилди. Шундан 50 миллиард сўмдан зиёди олис қишлоқлар ва бориш қийин бўлган тоғли ҳудудларда яшайдиган аҳолига етказиб берилди.

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, кўрсатилаётган савдо хизматлари сифатини янада яхшилаш, халқимизни йил давомида сархил мева-сабзавот билан таъминлашга қаратилган эътибор ва ғамхўрликнинг амалий самарасидир.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ФАОЛИЯТГА БАҲО БЕРИЛДИ

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлимининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.**



Унда бўлимнинг ўтган беш йил мобайнидаги фаолияти бўйича ҳисобот тингланди. Шундан сўнг мунозараларда сўзга чиққанлар мазкур фаолиятга баҳо беришди.

– Турли муаммолар билан бўлимга кўп мурожаат қиламиз, – деди "Оққўрғон овози" газетаси бош муҳаррири Абдулла Мадиев. – Бўлим бошқаруви мурожаатларимизни эътиборсиз қолдирмаган. Матбуот байрамлари, кўплаб танловлар, бевосита ҳудудларда – шаҳар ва туманларда ўтказилаётган семинарлар тилга олса арзигулик. Бўлимнинг амалга ошираётган ишларини қониқарли деб баҳолайман.

Шундан сўнг йиғилиш кун тартибига кўра бошқарув ва тафтиш комиссияси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси конференциясига вакиллар сайланди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

СУРАТДА: йиғилиш иштирокчиларининг бир гуруҳи.

**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

**Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ажратилаётган кредитлар кимга ва қандай шартларда берилиши кўпчиликни қизиқтириши табиий. Таҳририятимизга шу масалада мурожаат қилувчилар талайгина. Газетхонларнинг саволларига жавоб тариқасида ҳамда вилоят ҳокимлик соатларида берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида қуйидаги амалий қўлланмани эътиборингизга ҳавола этамиз.**

# КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИГА КРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБИ

**КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ:** якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда оилавий корхоналар шаклида рўйхатдан ўтиб ёки шахсий ёрдамчи хўжаликлар сифатида кредит маблағлари олишлари мумкин.

**КРЕДИТ ШАРТЛАРИ:** битирувчилар олинган кредитнинг қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланишлик шартларига амал қилишлари шарт.

**КРЕДИТ МУДДАТЛАРИ:** битирувчилар қуйидаги муддатларга кредит олишлари мумкин.

– **12 ой муддатгача** – ўз фаолиятини бошлаши учун айланма маблағларни шакллантириш ва инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқишга;

– **18 ой муддатгача** айланма маблағларни тўлдиришга;

– **24 ой муддатгача** қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ташкил этиш учун айланма маблағларни тўлдиришга;

– **24 ой муддатгача** қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш ҳамда ихчам иссиқхоналар қуришга;

– **36 ой муддатгача** мевали дарахтлар ва узум кўчатлари сотиб олиш учун.

**КРЕДИТ МИҚДОРИ** – лойиҳа аҳамиятига қараб 50 ёки 100 минимал иш ҳақи миқдоригача **учинчи шахс кафиллиги** асосида ёки лойиҳа бизнес-планига асосан 100 минималдан юқори миқдорда **гаров таъминоти** асосида берилади. (Шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун энг кам иш ҳақининг 100 бараваригача берилади.)

**КРЕДИТ ФОИЗ СТАВКАСИ МИҚДОРИ** – кредит шартномасига мувофиқ, шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун "Марказий банк"нинг қайта молиялаш ставкаси даражасидан (10 фоиз) юқори бўлмаган миқдорда.

**КРЕДИТ ОЛИШ УЧУН КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ариза;

– бизнес-режа;

– янги ташкил этилган юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

– маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини кенгаши раиси томонидан имзоланган, белгиланган тартибда берилган санаси ва рақами қайд этилган ҳамда гербли муҳр билан тасдиқланган тавсиянома;

– микрокредит олувчи шахсий ёрдамчи хўжалик юритувчи жисмоний шахсда томорқа участкаси мавжудлиги ҳамда унинг майдони кўрсатилган маълумотнома.

– шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда ундан нусха.

Таълим



# ҚЎЛЛАРИДАН КИТОБ ТУШМАЙДИ

**Паркент туманидаги 5-умумтаълим мактаби ўқувчилари ёзги таътилда ҳам китобларини қўлдан қўйишмайди. Чунки, уларда инглиз тилини ўрганишга қизиқиш катта. Айни кунларда юқори синф ўқувчилари давлат имтиҳонларини топшириш билан банд. Таълим маскани 2007 йилда тўлиқ таъмирланган. Фан хоналари янги жиҳозлар билан таъминланди. Компьютерлар "Ziyo-NET" тармоғига уланган. Ўқувчилар лаборатория жиҳозларидан унумли фойдаланишади.**

Мактаб ўқувчилари фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Ҳозир мактабда 40 нафар ўқитувчи ва ходим фаолият кўрсатмоқда.

– Шу даргоҳда инглиз тилидан дарс бераётганимга 12 йил бўлди, – деди Муаттар Ёқубова. – Ўқувчиларимизда хориж тилларини ўрганишга қизиқиш катта. Дарсдан ташқари вақтларда ҳам берилиб тил ўрганишади. Меҳнатларим учун "Халқ таълими аълочиси" номига сазовор бўлдим.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

Семинар

# ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

**Пойтахтдаги "Shodlik Palase" меҳмонхонасида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан "Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида маҳалланинг ролини янада кучайтириш масалалари" мавзуида уч кунлик республика илмий-амалий семинари ўтказилди.**

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари вакиллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Савдо-саноат палатаси, республика Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди мутахассислари, соҳа экспертлари ҳамда вилоятлардаги босма нашрлар журналистлари иштирок этди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти, қонунчилик соҳасидаги ислоҳотлар, маҳалланинг хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, жойлардаги давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати вазифаларини амалга оширишдаги ролини оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг асосий йўналишлари ва усуллари бўйича ихтисослаштиришга қаратилди.

Семинар иштирокчилари асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссияларнинг вазифалари билан батафсил таништирилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат бирлашмалари ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда шериклик ўрнатиш, аҳолига манзилли ёрдам кўрсатиш, ҳунармандчиликни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимидаги вазифалар ҳақида кенг ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этишда журналист маҳоратини янада ошириш масалалари бўйича ўзаро фикр алмашилди.

Семинар давомида соҳа мутахассислари томонидан журналистларга маҳалла фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси, унинг ривожланиш тенденциялари тўғрисида батафсил маълумотлар тақдим этилди. Амалиётчи журналистлар эса, семинар иштирокчиларига фойдали, жумладан, жамоатчиликка ахборотни қандай шаклда, тезкор ва батафсил тақдим этиш борасида ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, тавсиялар беришди. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари материалларини амалий шакллантириш мезонлари кўриб чиқилди.

Семинар давомида қизғин баҳс-мунозаралар, конструктив фикрлар алмашуви бўлиб ўтди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Партиялар ҳаётидан

# ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ

**Халқ депутатлари Оҳангарон туман Кенгаши O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан олиб борилган ишлар хусусида навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси ҳамда вилоят кенгаши аъзолари, туман ҳокимлиги, партия фаоллари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенг йўлга қўйиш, шунингдек, кичик ва маиший сервис корхоналарини ташкил этиш бўйича туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш дастурлари ижроси юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини янада кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилиш сўнгида Оҳангарон туманида тадбиркорлик субъектлари сонини ошириш, мазкур соҳада олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан Қибрай туманидаги вилоят руҳий аномал болалар уйида "Соғломжон – полвонжон" тадбири ташкил этилди.**

# СОҒЛОМЖОН – ПОЛВОНЖОН

Унда вилоят, туман кенгаши депутатлари иштирок этишди.

– Фарзандларимизнинг юзларидаги табассум, шижоатни кўриб, беҳад қувонамиз, – дейди болалар уйи раҳбари Феруза Умарова. – Муассасамизда уларни соғломлаштириш учун барча шароитларимиз етарли.

Тадбирда "Қуёнча" ва "Тулкича" гуруҳи тарбиянувчилари ўзаро мусобақалашишди. Болажонлар она, Ватан ҳақидаги қўшиқлари, "Кабутар" рақси билан даврага файз киритишди.

Тадбир сўнгида ЎзХДП вилоят кенгаши раҳбари С. Аъзамов болаларга совғалар улашди.

**Наргис ҲАСАНОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ИЖОД ҚИЛАЙЛИК!

**Миллий матбуот марказида "Сиёсий модернизация жараёнларида ОАВ олдида турган муҳим вазифалар" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Миллий ахборот агентлиги, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания ва "Туркистон-пресс" агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиздаги сиёсий модернизация жараёнида ОАВ масъулиятини ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, ҳокимият ва фуқаролар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатишдаги ролини кучайтириш, шу билан бирга сиёсий модернизация жараёнларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш масалалари ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Сўзга чиққанлар сиёсий модернизация жараёнини ёритиш ижод аҳли зиммасига катта вазифалар юклаши, аҳоли ўртасида кенг ахборот-тушунтириш ишларида ОАВ иштироки, бу борада журналистларнинг масъулиятини янада кучайтириш лозимлигига эътибор қаратишди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

Матбуот анжумани

# ЗАМОНАВИЙ ВА ТЕЖАМКОР ЛОКОМОТИВЛАР

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг локомотив паркини янгилаш" мавзуида анжуман ташкил этилди.**



Маълумки, истиқлол йилларида локомотив паркини тубдан янгилаш, халқаро андозалар асосида ишлаб чиқарилган замонавий техникалар билан янада бойитиш мақсадида қатор қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида янги темир йўллар, вокзал ва станциялар қуриш, локомотив ва вагон паркини янгилаш, электрлаштириш каби истиқболли лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, локомотив паркини янгилаш борасида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Ўтган йиллар мобайнида компаниянинг локомотив парки ўнлаб замонавий, юқори самарали электровозлар билан тўлдирилди ва бугунги кунда улар мамлакатимиз темир йўлларида юқори унум билан ишлатилмоқда.

Жумладан, Президентимизнинг 2012 йил 13 мартдаги "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК локомотивлар саройини янгилаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, Хитой Халқ Республикаси "ЭКСИМ" банки иштирокида 20 дан зиёд "O`ZEL" туркумидаги юк электровозларини харид қилишни назарда тутади. Улар замонавий локомотивлар бўлиб, халқаро стандартларга тўла жавоб беради.

Умуман олганда, бугунги кунда компания локомотив паркида мавжуд электровозлар сони юзтани ташкил этади. Бундан ташқари, 242 та магистраль тепловоз ҳамда 258 та маневр тепловози жамланган.

Йиғилиш сўнгида оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан берилган саволларга мутахассислар атрофлича жавоб беришди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

# ТАДБИРКОРЛАР, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 майдаги йиғилиши баёнидаги топшириқ ижроси сифатида

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. Р. Парпиев 2014 йил 19 июль куни соат 10.00 дан 13.00 гача,**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси ўринбосари А. А. Мавлонов 2014 йил 12 декабрь куни**

вилоят ҳокимлиги биносида тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари вакиллари ҳамда фуқароларнинг республика даражасида ҳал этиладиган масалалар юзасидан сайёр қабулини ўтказадилар.

***Тошкент вилояти ҳокимлиги.***

ЭЪЛОНЛАР

# ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Тошкент вилоят ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида"-ги фармойишига асосан сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш бўйича вилоят Танлов комиссияси фаолият юритмоқда. Комиссия 2014 йил III чорак учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича қуйидаги маҳсулотларга танлов эълон қилади:**

*1. 1 нав ундан чиқарилган нон*
*2. 1 нав ундан чиқарилган қотган нон*
*3. Иккинчи тоифали гўшт маҳсулоти*
*4. Ярим дудланган колбаса маҳсулоти*
*5. Дудланган гўшт*
*6. Товуқ тухуми Д-1*
*7. Мева шарбатлари (сок, компот)*
*8. Сметана 30 фоиз*
*9. Творог 18 фоиз*
*10. Пишлоқ 45 фоиз*
*11. Кефир 2,5-3,2 фоиз*
*12. Томат пастаси 30 фоиз*
*13. Картошка*
*14. Карам янги узилган*
*15. Лавлаги*
*16. Сабзи*
*17. Пиёз*
*18. Помидор янги узилган*
*19. Бодринг янги узилган*
*20. Ҳўл мевалар*
*21. Тарвуз*
*22. Шолғом, турп, редиска*
*23. Ошқовоқ*
*24. Қуритилган мевалар*
*25. Хамиртуруш (дрожжи)*
*26. Маргарин*
*27. Шоколад*
*28. Мевалар экстракти*
*29. Мураббо*
*30. Кофе (эрувчан)*
*31. Горчица кукуни*
*32. Қалампир (янчилган)*
*33. Лавр барги*
*34. Крахмал (картофельный)*
*35. Уксус эссенцияси*

Танловда мазкур маҳсулотларни етказиб бериш бўйича тажрибага эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ танловларда иштирок этиш ва маҳсулотлар етказиб бериш бўйича фаолияти тақиқланмаган фермер ва деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари иштирок этишлари мумкин.

Ёзма аризаларда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим: хўжалик субъектининг тўлиқ номи, почта манзили, телефон ва факс рақами, электрон почта манзили, Ф.И.Ш.

Ёзма аризалар ва танлов таклифлари солинган конвертлар қуйидаги манзилга топширилади: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти.

Ёзма аризалар ва муҳрланган конверт 2014 йил 24 июнь кунидан кечиктирмасдан тақдим қилиниши лозим.

Конвертга қуйидаги ҳужжатлар солинган бўлиши керак:

– маҳсулотлар номи, нархи ва ҳажми кўрсатилган тижорат таклифи;

– гигиена, сифат ва карантин бўйича сертификатлар;

– лицензия, корхона низоми ва паспорти нусхалари;

– солиқ ва хизмат кўрсатувчи банкдан қарздорлик мавжуд эмаслиги;

– мавжуд ишлаб чиқариш майдони, омбор (музлаткич) тўғрисидаги маълумотномалар.

**Танлов таклифлари солинган конвертларни 2014 йил 25 июнь куни Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносида (3-қават) танлов қатнашчилари ёки уларнинг вакиллари иштирокида очиш режалаштирилмоқда.**

**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 236-29-10, 233-75-11, 232-80-25.**

**Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2014 йил 30 майдаги 19-сонли Баённомасининг қарори билан:**

**Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига асосан:**

1. "YANGIYO`L TRANS AVTO" масъулияти чекланган жамиятига Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000220 рақамли ҳамда Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000221 рақамли лицензияларининг амал қилиш муддатлари 2014 йил 30 майдан тугатилди.

2. "FAYZIBALAND-TRANS" масъулияти чекланган жамиятига Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шахар атрофида микроавтобусларда ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000596 рақамли лицензиясининг амал қилиш муддати 2014 йил 30 майдан тугатилди.

**ДИҚҚАТ ЎЗГАРТИРИШ!**

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ 2014 йил 31 майдаги № 44 (12680)-сонли "Тошкент ҳақиқати" газетасида чоп этилган эълоннинг мазкур қисми: Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан, 2013 йил 15 февралдаги № 597-сонли ижро ҳужжатига асосан, Олмалиқ шаҳри, Примқулов кўчаси, 26-уй манзили бўйича жойлашган, шлакоблокдан қурилган, қурилиши тугалланмаган: 1. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0001-Савдо дўкони; 2. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0002-Савдо дўкони; 3. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0003-Савдо дўкони; 4. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0004-Савдо дўкони; 5. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0005-Савдо дўкони; 6. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0006-Савдо дўкони; 7. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0007-Савдо дўкони; 8. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0010-Савдо дўкони савдога қўйилмоқда, кейинги ўринларда: Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан, 2013 йил 15 февралдаги № 597-сонли ижро ҳужжатига асосан, Олмалиқ шаҳри, Примқулов кўчаси 26-уй манзили бўйича жойлашган, шлакоблокдан қурилган, қурилиши тугалланмаган: 1. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0001-Савдо дўкони; 2. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0002-Савдо дўкони; 3. бошланғич баҳоси– 10 615 385 сўм бўлган литер 0003-Савдо дўкони; 4. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0004-Савдо дўкони; 5. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0005-Савдо дўкони; 6. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0006-Савдо дўкони; 7. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0007-Савдо дўкони; 8. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0010-Савдо дўкони; 9. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0011-Савдо дўкони; 10. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0012-Савдо дўкони; 11. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0025-Савдо дўкони; 12. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0026-Савдо дўкони; 13. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0027-Савдо дўкони савдога қўйилмоқда, деб ўқилсин.

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Юнусобод тумани СИБ томонидан 14.09.2012 й. № 19305/15-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ғ. Абдуллаев кўчаси, 33-уй. Бошланғич баҳоси – 125 000 000 сўм бўлган кўчмас мулк такроран қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 16 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО 01103, СТИР 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уй. Телефон: (8371) 262-35-99. Лицензия: RR-0052.

Олмазор тумани ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "ALVIERO" МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "ALVIERO" хусусий корхонасига ўзгаришини маълум қилади ҳамда унга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Яккасарой туманида рўйхатга олинган "MONOLITH SYSTEMS" (ИНН 302643740) МЧЖнинг устав жамғармаси 100 000 000 сўмдан 6 000 000 сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: (+99890) 176-40-36, 909-49-42.

"ELEKTRO STROY AVTO BIZNES" МЧЖнинг устав жамғармаси 1 351 198 140 сўмдан 651 198 140 сўмга камайишини маълум қилади.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 08.07.2013 йилда № 006873-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Навоий кўчаси, 22-уйда жойлашган "FUQARO QURILISH SERVIS" (ИНН 302655654) МЧЖ ТУГАТИЛАДИ (таъсисчиларнинг 03.06.2014 йилдаги 3-сонли баённомасига асосан). Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 580-11-77 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 14.11.2006 йилда № 002458-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган (манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Гиссар 3-берк кўчаси, 24-уй.) "KUCH-INTER-SERVIS" (ИНН 300051206) МЧЖ ТУГАТИЛАДИ (02.06.2014 йилдаги 1-сонли баённомага асосан.). Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Гиссар 3-берк кўчаси, 24-уйда қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 14.11.2006 йилда № 002458-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган "KUCH-INTER-SERVIS" МЧЖга тегишли бўлган давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги "SALVIA PHARM MEDICAL" МЧЖнинг устав жамғармаси 15 000 000 сўмдан 4 000 000 сўмга камайишини маълум қилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб (+99890) 983-48-54 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Шайхонтоҳур тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан 23.06.2013 йилда Алимходжаев Шароф Турсуновичга берилган "Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида"ги № 004648 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "SILVER MEBEL GROUP" МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "SILVER MEBEL GROUP" хусусий корхонасига ўзгариши ҳамда "SILVER MEBEL GROUP" хусусий корхонаси "SILVER MEBEL GROUP" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланишини маълум қилади. Телефон: 185-54-56.

Олмазор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "HUMO MEBEL SAVDO" МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "HUMO MEBEL SAVDO" хусусий корхонасига ўзгариши ҳамда "HUMO MEBEL SAVDO" хусусий корхонаси "HUMO MEBEL SAVDO" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланишини маълум қилади. Телефон: 185-54-56.

Тошкент Давлат техника университети томонидан 2011 йилда Атажонов Бехзод Кадамбоевич номига берилган № 6617 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЧП "ANOR KOMPANIYASI" (ИНН 204638351), зарегистрированное ИРСП хокимияти Яккасарайского района г. Ташкента за реестр № 11-000950 от 24.05.2007 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Бабура-20, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение от 30.05.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

ООО "QUINCE International" (ИНН 207183561) сообщает о преобразовании на ЧП "QUINCE International" (hешение учредителя № 2 от 02.06.2014 г.).

ООО "LUXURY GOODS" (ИНН 302865250), зарегистрированное ИРСП хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента за реестр № 007392-09 от 12.03.2014 г., расположенное по адресу: г.Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Жалолобод, напротив дома 61, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (протокол № 1 от 03.06.2014 г.). Претенезии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

«Жаҳон чемпионати – 2014»

# ЎЗБЕК ҲАКАМИ БРАЗИЛИЯГА ЙЎЛ ОЛДИ

Жорий йилнинг 12 июнь — 13 июль кунлари ўтказиладиган футбол оламининг энг нуфузли мусобақаси — Жаҳон чемпионати учрашувларини бошқариш учун ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар гуруҳи Бразилияга йўл олди.

Нуфузли чемпионат мусобақаларини Европадан тўққизта, Жанубий Америкадан бешта, Осиёдан тўртта, Африка ва Шимолий Америкадан учтадан, Океания минтақасидан битта ҳакамлар бригадаси бошқаради. Равшан Эрматов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари вакиллари орасида ушбу Жаҳон чемпионатига жалб этилган ягона бош ҳакамдир.



Р. Эрматовнинг кетма-кет иккинчи маротаба Жаҳон чемпионатига йўл олаётгани Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда футболни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасидир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар футболи тубдан ислоҳ қилинди. Футбол бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослашган мактаб-интернатлари, футбол академиялари ташкил этилиб, уларда халқаро майдонда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир футболчиларни тарбиялаш, малакали мураббий ва ҳакамлар тайёрлашни янада кучайтириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай эътибор самарасида Равшан Эрматовнинг ҳакамлик соҳасида эришаётган ютуқларидан барча юртдошларимиз ҳақли равишда фахрланади.

2003 йилдан буён ФИФА таснифидаги мусобақаларда ҳакамлик қилиб келаётган Р. Эрматов футбол бўйича деярли барча нуфузли мусобақаларни – 2007 ва 2009 йилларда ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Жаҳон биринчиликлари, 2008 ва 2011 йилларда клублар ўртасидаги Жаҳон чемпионатлари финали, 2010 йилги Жаҳон чемпионати, 2011 йилги Осиё кубоги финали, 2012 йили ХХХ ёзги Олимпия ўйинларининг футбол учрашувлари, 2013 йилда эса Бразилияда ўтган конфедерациялар кубоги баҳсларини бошқарган.

Равшан Эрматов Осиёнинг "Энг яхши ҳакам" номинациясида кетма-кет тўрт маротаба ғолиб бўлган қитъамиздаги ягона футбол ҳакамидир. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси уни 2011 йилда жаҳоннинг энг яхши ҳакамими, деб эътироф этди. Мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги мусобақаларни юксак савияда бошқариб келаётган Р. Эрматов 2013 йил якунлари бўйича ҳам дунёнинг энг кучли ҳакамлари рейтингининг юқори поғоналаридан жой олган.

Бразилияда ўтказиладиган футбол бўйича Жаҳон чемпионати учрашувларини бошқаришда Равшан Эрматовга ҳамюртимиз, Осиё футбол конфедерацияси томонидан 2011 йилда қитъамизнинг энг яхши қанот ҳаками, деб топилган Абдуҳамидулло Расулов ва қирғизистонлик Баҳодир Кўчқоров ёрдам беради.

**Б. АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Дзюдо

**Австриянинг Лейбниц шаҳрида дзюдо бўйича 1994-1996 йилларда туғилган ёшлар ўртасида ўтказилган Европа очиқ кубогида ҳамюртимиз Суҳроб Турсунов учинчи ўринни эгаллади.**

# СУҲРОБ ПОЛВОН СОВРИНДОР



Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасидан маълум қилишларича, нуфузли мусобақанинг вазни 66 килограммгача бўлган дзюдочилар ўртасидаги беллашувларида қатнашган С. Турсунов словениялик Янус Зидан Ник, италиялик Маттео Медвес, польшалик Виктор Мравчински, япониялик Тори Теншо, италиялик Биачио Стефанелли ва бельгиялик Марк Винсентани мағлубиятга учратиб, бронза медални қўлга киритди.

**ЎзА.**

Мулоҳаза учун мавзу

**Телевидение орқали намойиш этилаётган дунё манзараларини томоша қила туриб, одамнинг эти жунжикиб кетади. Саҳро. Ҳар ер, ҳар ерда чуқурчаларда ёмғир сувими ёки тўпланган кўлмакми кўринади. Ташналикдан ҳолдан тойган, лаблари ёрилган болалару аёллар идишчаларини шу кўлмакка ботириб, сув йиғаяптилар...**

# СУВ ЕТТИ ДУМАЛАСА ПОКЛАНАДИМИ?

Бу лавҳани бежизга келтирмадик. Сабаби – бугунги кунда асримизнинг энг глобал муаммоси – сув танқислигидир.

Бир кун сувсиз яшашни тасаввур қилиб кўрингчи?



Ёшлигимизда боболаримиз: "Сувга қараб тупурма", "Оқар сувга мағзава ағдарма", "Ҳаром билан ҳалолнинг фарқига боринглар", деб ўргатишган. Бола эканмиз, бу сўзларнинг маъносини тушунмабмиз. Ваҳоланки, боболаримизнинг тиббий маданияти ҳам, ҳозирги замон тили билан айтадиган бўлсак, экологик маданияти ҳам юқори бўлганлигини тан олиш керак. Манбалардан маълумки, бизнинг аждодларимиз сувни исроф қилишмаган.

Бу шунчаки умумий гаплар, деб ўйлаётганларга эса мисол келтирмоқчимиз. Яқинда Ғазалкент томондаги дала-ҳовлиларда чўмилаётган одамларни кўриб, ўйланиб қолдик. Бу ҳовузчаларнинг оқавалари қаерга оқар экан-а? Албатта, дарёга-да. Маза қилиб дам олаётган эркагу аёл ҳеч бўлмаганда шу ифлослантираётган сувдан ўзлари ичишларини билармиканлар? Ахир дала-ҳовлилардаги ҳовузларнинг сув қувурлари дарёга қараб ўрнатилган-ку! Ёки буни улар билишмасмикан?



Ёз бошланиши билан шаҳар аҳолиси табиат қўйнига кўчиб чиқади. Тўғри, "Яхши дам – меҳнатга ҳамдам", деб бекорга айтилмаган. Бироқ, дам олувчиларнинг экологик маданияти қандай аҳволда? Қаранг... Ўзлари билан олиб келган озиқ-овқат маҳсулотларини еб-ичиб бўлгач, қолдиқ ва чиқиндиларни сувга ташлашади. Елим халталарни шамолда учишини кўриб, афсус чекасиз...

"Дачалар бор", "Караватлар бор" сингари реклама ёзувларига нима дейсиз? Таваккалига биттасига кириб кўринг. Нархини сўранг. Сизга ҳамма хизмат турларини очиқ-ойдин таклиф қилишади. Оилавий хизмат кўрсатиладиган бундай жойларда ҳали мактаб, коллежда ўқийдиган қиз-йигитлар турли ёшдаги "аралаш-қуралаш" келган меҳмонларга югурдаклик қилишади.

Қишлоқларда баъзиларнинг молхоналари сув атрофларига қурилган. Гўнг дейсизми, сомон, хас-хашак чиқиндиси сувга супурилаяпти. Шаҳару қишлоқларимизда эса ариқларга чиқариб қўйилган ҳаммом қувурлари-чи? Мағзава оқавергани учун томорқалардаги экилган экинлар турган жойида ириб, чириб кетаяпти. Бунисига нима дейсиз? Ахир ҳаром билан ҳалолни аралаштирмаслик керакку?!

Шундай чўмилиш ҳовузларию ҳожатхоналардан Чирчиқ дарёси ўзанига оқаётган ифлос оқавалар тоза сувни булғаётганини кўриб туриб, ўзини билмасликка олаётганларни қандай аташ мумкин? Ёки улар сув етти марта думаласа ҳалол бўлади, деб ўйлашармикан?

Кўрдингизми, жавоб топишга қийналаяпсиз. Биз мулоҳазаларимизни очиқ-ойдин баён этдик. Зеро, сув етти марта думаласа ҳам ҳалол бўлмаяпти. Шундай юртда яшаб, зилол сувлардан баҳраманд бўлаётганимиз учун шукр қилиш ўрнига уни ифлослантираяпмиз? Кўзингизни очинг, азиз одамлар! Сувга ахлат ағдарманг. Табиатни асранг.

**Манзура АЛИОХУНОВА.**

Кўргазма

**Тошкент Фотосуратлар уйида "Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!" ҳафталиги доирасида "Ер куррасида тинчлик!" республика болалар расмлари кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

# ТИНЧЛИК – БОЛАЛАР НИГОҲИДА

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан Ўзбекистон Бадиий академияси, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган танловда 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар иштирок этди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси С. Иномова ва бошқалар улғайиб келаётган авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етиши, ёшларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, уларни жамиятимиздаги ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш Президентимиз Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишига айланганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар кўламининг кенгайишида муҳим асос бўлмоқда. Жумладан, анъанавий ижодий танловлар, кўргазмалар ўғил-қизларнинг тасвирий санъатга қизиқишини янада ошириш, қобилияти ва салоҳиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёш авлод маънавияти ва бадиий-эстетик дидини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Кўрик-танлов доирасида болаларнинг тинчлик, дўстлик, Ватан равнақи ва ободлиги каби мавзулар ифодаланган расмлари кўргазмаси ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида ғолиб чиққан иштирокчиларнинг ижодий ишлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Тадбирда ғолиб ва совриндорларга диплом ва совғалар топширилди.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Китоб жавонингизга

# АЖДОДЛАРИМИЗ ҲАҚИДА ИНГЛИЗЧА ҚЎЛЛАНМА




**"Тил билган эл билади", дейди доно халқимиз. Ҳозирги кунда нафақат ўз она тилимиз, балки хориж – рус, инглиз, француз, немис, корейс, хитой, ҳинд тилларида бемалол сўзлашаётган ватандошларимиз, ёшларимизни кўриб завқланмай, ғурурланмай бўлмайди. Айниқса, дунёнинг ярмидан кўпроғида ўзаро сўзлашув воситасига айланган инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Зеро, бунинг учун юртимизда барча зарур имкониятлар муҳайё этилган.**

Мамлакатимиз раҳбарининг бу тилни бошланғич синфлардаёқ ўргатиш кераклиги ҳақидаги фикрлари ўз самарасини кўрсатмоқда. Ҳозир 5-6 ёшли ўғил-қизларимиз ҳам инглиз тилини қизиқиш, иштиёқ билан ўргана бошлади. Шунингдек, ўзбек адабиёти намоёндалари асарларини инглиз тилига таржима қилаётган ёшларимиз сафи ортиб бораётгани қувонарли.

Қўлимизда муаллифлар Саодат Тожибоева, Жонон Азимова ва Ёркин Шукуровнинг яқинда чоп этилган янги "OUR GREAT ANCESTORS" китоби. Ушбу қўлланмадан улуғ аждодларимиз: Аҳмад Фарғоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломалар ҳаёти ва ижодини инглиз ва ўзбек тилида ўқиб-ўрганиш имкони бор. Қўлланма нафақат инглиз тилини ўрганувчи ёшлар, балки ўқитувчиларга ҳам асқотиши мумкин. Зеро, хорижликлар ҳам ўқиб-ўрганса, ҳавас қилса арзийдиган, ўз навбатида миллий ғууримиз, фахримиз бўлган аждодларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу рисола жавонингизда бўлса, маънавий оламингиз янада бойиши турган гап.

**Сайёра РАҲМОНОВА.**

Тарихимизни ўрганамиз

**Ўзлигини англаган ҳар бир онгли инсон ўтмишига, ўзи туғилиб вояга етган жой тарихига ва ушбу маконни маълум ва машҳур қилган фидойи кишилар ҳаётига қизиқиши, уни ўрганишга интилиши табиий ҳол. Зеро, кечаги кун бугунимиз ва эртамиз билан узвий боғлиқ. Бу ҳақда Президентимиз: "Одамзот борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди" дея таъкидлаганлар.**

# АТАМАНИНГ ЎЗ МАЪНОСИ БОР

Пискент икки минг йилдан зиёд тарихга эгалиги билан Ўзбекистонда ўзига хос ўринга эга. Кўҳна кентнинг номланиши билан боғлиқ баҳс-мунозаралар узоқ йиллардан бери давом этиб келмоқда.

Аввал "кент" атамаси ҳақида сўз юритсак. "Кент" қадимги Сўғд тилида атрофи мудофаа деворлари билан ўралган тураржой, қўрғонни англатади. Илк ва ўрта асрлар тарихий манбаларида эса, жой номини билдирган. Сўғд ёзуви ва араб географлари асарларида "Кат", "Қанд" тарзида учрайди. Давр ўтиши билан "кент" жой (қишлоқ, шаҳар) номларининг таркибий қисмига айланган. Араб тарихчиси ва географи ибн Ҳавқалнинг "Масолик ул-Мамоилик" асарида 40 дан ортиқ "кент" бирикмали жой номлари келтирилади.

Бискент – форс тилида (бис-йигирма) йигирмата хонадон дегани. Муҳаммад Абу Саъд Саъмоний (1113-1167) "Китоб ал – ансоб" ("Насабнома китоби") асарида Бискат Шош воҳасидаги машҳур шаҳар бўлиб, бу ердан бир гуруҳ уламолар етишиб чиққанини таъкидлаган. Араб тарихчиси Йақут ал-Ҳамави (1179-1229) Бискент Шош шаҳри яқинидадир, деб ёзган.

"Кат" "кент"га нисбатан қадимийроқ бўлиб, уларнинг луғавий маъноси бир. Демак, "Пискент"ни "Пискант" атамаси билан алмаштириш аслида хато эмас. "Кат" сўзининг тарихий илдизлари туркийликка бориб тақалади. Шунинг учун бўлса керак маҳаллий аҳоли ўзаро сўзлашганда "Пискат" дейилиши азалдан бор.



Пискентдаги ҳозир биз билган маҳаллаларнинг номлари "Бекобод", "Майлиобод", "Мўминобод", "Янгиобод", "Митан", "Соқол ариқ", "Лола ариқ" ва бошқаларнинг тарихий илдизлари жуда чуқур. Академик А. Муҳаммаджонов жой номларини "работ" ёки "равот" топонимлари билан боғлайди. "Работ" сўзининг биринчи бўғинидаги "ра" бирикмаси аслида форсча "роҳ" сўзидан олинган бўлиб, "йўл" маъносини англатади. Демак, "равот" ёки "работ" аслида "роҳвот" ёки "роҳбот" деб юритилган ва "йўлдаги қўноқ", "йўл устидаги манзил" деган маъноларни англатган. Қадимги равотлар кейинчалик карвонсарой, меҳмонхона, хонқа, қароргоҳ каби бошпаналар маъносини англатувчи географик мавзега айланган.

Пискентдаги маҳаллалар номлари ҳақида шунга асосланиб фикр юритсак, "Бекобод" маҳалласи аслида "Бекравот" бўлиши мумкин. Чунки отахонларнинг айтишларича, бу маҳалла Муҳаммад Ёқуббек яшаган жойга ишора экан.

"Соқол ариқ" маҳалласи номига келсак, Соқол паҳлавон исмли киши ўтмишда Пискентда ҳоким бўлган, ариқ қаздирган ва шу маҳаллага Соқол паҳлавоннинг номи қўйилган экан.

Яқин минг йил муқаддам Пискентда яшаб ўтган олиму фузало ва ғазалнавис шоирларнинг асарларидан намуналар излаб топиб, чоп эттирилган "Пискент баёзи", "Гулшани Дилафгор" ва "Пискент шоиралари" шунингдек, "Пискент тарихидан лавҳалар" китоблари бу кўҳна воҳа тарихи билан янада кенг ва чуқурроқ танишиш имконини беради деб ўйлаймиз.

**Адҳам МАМАТҚУЛОВ,**
**физика-математика фанлари номзоди, доцент.**

ЭЪЛОН

**ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!**

Оҳангарон тумани ободонлаштириш бошқармаси Озодлик ҚФЙ ҳудудида Олмалиқ шаҳри ва Оҳангарон тумани бирлашган чиқиндихонаси (полигони) деворини (137 млн. сўм) қуриш (23,3 гектар) учун тендер эълон қилади.

**Мурожаат учун телефонлар: 645-11-82, (+99893) 392-69-26.**

Рассом хандаси




ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
**Тошкент вилояти ҳокимлиги**

Бош муҳаррир
**Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**e-mail:** th.tp@mail.ru

**Телефонлар:**
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-62. Адади 15467. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00.